УзССР Давлат китоб палатаси
Кир.
Уз. ССР Государственная палата УзССР
140897

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 26 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 57 (6953)

Da'vat

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, унинг фаровон ҳаётини, ҳар бир оиланинг тўкин-сочин дастурхонини таъминлашга шароит яратайлик.

Ислом КАРИМОВ.

Ibrat

Яқинда Тўрткул шаҳар ҳокими М.Сейитниёзовнинг ташаббуси билан ҳокимиятнинг масъул ходимлари туман ҳудудида жойлашган «Лочин» оромгоҳида бўлишиб, ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Ҳокимлик томонидан 30 нафар ўғил-қизга кийим-бошлар, спорт анжомлари топширилди.

БАРЧА МАСАЛАЛАРДА КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрига ташриф буюрди.

Сафар олдидан юртбошимиз журналистларга интервью берар экан, жумладан Марказий Осиёда ягона иқтисодий макон барпо этишдан кўзланган катта мақсадлар, бу йўлдаги мавжуд айрим суньий тўсиқларни тезроқ бартараф этиш, ягона банк фаолиятини такомиллаштириш, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш зарур эканлигини таъкидлади. Президентларнинг Чулпонотада ўтажак учрашуви шу жиҳатдан муҳим омил бўлади, деб ишонч билдирди.

Шу куни Иссиқкўл бўйидаги Чулпонота қароргоҳида уч давлат раҳбарининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари ҳамда Афғонистон ва Тожикистонда кечаётган воқеалар хусусида фикр алмашилди.

Шунингдек, мулоқот чоғида ягона иқтисодий макон доирасида ҳозирга қадар имзоланган ҳужжатлар ва қабул қилинган қарорларнинг амалга ошириш жараёни, Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастур, уч мамлакат парламентлари, Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки («Центразбанк») ҳамда БМТнинг заҳирадаги кучлари ҳисобланган Марказий Осиё тинчлик батальони («Центразбат») фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда янги таъсис этилган «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журнали Бош муҳаррири масаласи кўриб чиқилди. Ўзбекистонлик таниқли журналист Одилбек Қайипбергенов мазкур журналнинг Бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

Учрашув якунида уч томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ўртасида БМТнинг заҳирадаги кучлари ҳисобланган «Центразбат» аскарлари мақоми, Давлатлараро Кенгаш ва унинг муассасалари тўғрисидаги битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Бишкекда Афғонистон бўйича халқаро тинчлик конференциясини утказиш тўғрисида, уч мамлакат парламентлари аъзолари кенгаши тўғрисида ва «Центразбанк» фаолияти тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди.

Учрашув ниҳоясида Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказдилар. Унда йиғилиш кун тартибидан жой олган барча масалалар бўйича ўзаро келишувга эришилгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791 сонли Фармонига мувофиқ аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлигини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тошкент давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва Қорақал-пағистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлим-лари ташкил этилсин. Марказнинг тузилмаси ҳамда Устави тасдиқлансин.

2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин:

- мамлакатда ҳуқуқий таълим фаолиятини кучайтириш ва услубий жиҳатдан таъминлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш;
- аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;
- аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштириш, уларни аҳолига етказиш учун Марказнинг минтақавий бўлимларига юбориш;
- ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, бу соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;
- жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш;
- оммабоп ҳуқуқий адабиётларни, ўқув-услубий қўлланмаларни ва дарсликларни тайёрлашни муво-фиқлаштириш;
- аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва савиясини оширишга қаратилган ташкилий-тарғибий ишларда жамоат бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш.

3.Узбекистон Республикаси прокуратураси, суд, ички ишлар ва адлия идоралари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фанлар академияси ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази вазифаларининг амалга оширилишида унга яқиндан амалий ёрдам кўрсатсинлар.

4. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Маркази, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» , «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибий ишларни амалга ошириш тавсия этилсин.

Мазкур масала билан боғлиқ бўлган оммавий, маърифий, тарғибий-ташкилий ишларнинг Узбекистон Телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши муҳим эканлиги таъкидлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг минтақавий бўлимларини зарур асбоб-ускуналар, офис мебели, ташкилий техника воситалари билан жиҳозлашда, ҳуқуқий тарғибот ишини юритишда яқиндан ёрдам кўрсатиш топширилсин.

Туман /шаҳар/ ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг ҳудудий бўлимларини ташкил қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига топширилсин.

Ҳудудий-маърифат тарғиботи Марказининг туман /шаҳар/лардаги минтақавий бўлими ишини ташкил қилиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш туман /шаҳар/ ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

6. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва унинг минтақавий бўлимлари ходимларига давлат ҳокимияти органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ҳузурида илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-услубий Кенгаш тузилсин.

Мазкур Кенгашга нашр этишга тавсия қилинган ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази Узбекистон Қонунлари, Республика Президенти Фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламларини олувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

9. Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини махфий бўлмаган босма асарлар ва китоб маҳсулотининг /ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, тарихий/ назорат нусхалари юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритсин.

1О. Оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр этишни кўпайтириш ва уларни республика аҳолисига арзон нархларда сотишни йўлга қўйиш мақсадида Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси мавжуд «Адолат» нашриёти моддий-техникавий негизини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдамлашсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси, «Китоб савдоси» Давлат ҳиссадорлик уюшмаси, «Матбуот тарқатиш уюшмаси» акционерлик жамияти билан биргаликда ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини аҳолига 5О фоиз арзонлаштирилган нархларда сотиш тартибларини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Адлия вазирлиги буюртмасига мувофиқ ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини жиҳозлаш, транспорт воситалари олиш ва фаолиятини ташкил этиш учун зарур маблағлар ажратсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Ғуломов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 22 июль.

ТАЪЛИМ — СЕССИЯ МУҲОКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши шу йил 29 август куни «Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияни чақириш тўғрисида» Қарор қабул қилди.

Бу галги сессия диққат эътиборида таълим масаласи турганлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Сессиянинг муҳокамасига «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур лойиҳаси тўғрисида» ва «Таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида» масалалар киритилади.

Шунингдек, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш Миллий дастури лойиҳаси тўғрисида», «Миллий хавфсизлик концепцияси лойиҳаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда)», «Бож таърифи тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда)», «Давлат божхона хизмати тўғрисида Қонун лойиҳаси ҳақида», «Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда)», «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисидаги (иккинчи ўқишда)», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда)», «Ўзбекистон Республикасининг қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда)», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида»ги масалаларни ҳам сессия муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

Байроқ... Герб... Буларни миллатимиз, давлатимиз рамзи сифатида тушунамиз. Ҳа! Лекин фақат шугина эмас. Улар мустақиллигимиз рамзи ҳамдир.

Маълумки, ютуқларимиз, ғалабаларимиз эвазига байроғимиз дунёнинг турли бурчакларида мағрур ҳилпирагандa ҳар гал шууримизда ажиб бир ғалаён жўш уради, у шундайин ғалаёнки, юқоридаги ҳолат ҳар қанча такрорланса, у шунчалик кучаяверади. Гўё чексиз-чегарасиз қувончу ҳаяжонларимизнинг, миллий ўзлигимизнинг бутун дунёга баралла ҳайқириғидек.

Зеро, биз учун азиз бўлган байроғимиз қабул қилинган — 1991 йил 18 ноябрь, ҳамда давлатимиз герби қабул қилинган — 1992 йил 2 июль саналари ҳам бирдай муборак ва хотирадан ўчмасдир.

Qutlug' ostona

22 ЁШЛИ ФАН НОМЗОДИ

Ёдингизда бўлса керак, ўтган йили республикамизнинг қатор нуфузли газеталарида диплом иши тўғридан-тўғри номзодлик диссертациясига тавсия этилган 21 ёшли ТошДУ дипломанти Рустам Иброҳимов ҳақидаги шов-шув мақолалар босилиб чиққан эди. (Жумладан, «Маърифат» 1996 йил 29 июнь «Номзодлик мавзуси диплом ишида».) Яқинда Узбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В. И. Романовский номидаги математика иститутида 22 ёшли Р. Иброҳимовнинг «Симметрик статистикалар моментлари учун баҳолар» мавзуидаги номзодлик диссертациясининг ҳимояси бўлиб ўтди. Унда ўн олти нафар фан докторлари қатнашди. Булар орасида Узбекистон Фанлар Академиясининг академиклари, мухбир аъзолари ва профессорлар бор эди.

Воқеа тафсилотлари бундай бўлган эди. Рустамнинг диплом ишини олти нафар фан доктори, профессорлар ва бир нафар академик юқори баҳолагач, диплом иши ва унинг ҳимоясини номзодлик даражасидаги иш ва ҳимоя деб кўриш ҳақида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясига ҳужжатлар ва тавсияномалар жўнатилган эди. Шунга биноан ОАКдан университетга жавоб хати келди. Мана унинг тўлиқ кўчирмаси:

«06-03/325 28 август 1996 йил.
ДошДУ ректори академик Т. Н. ДОЛИМОВга

Сизнинг хатингизга жавобан (06.07.96 N 07 (284) шуни маълум қиламизки, ОАК ҳайъати университетнинг механика-математика факультети 5 курс толиби Рустам Иброҳимовнинг диплом иши ва унинг ҳимоясини номзодлик даражасидаги иш ва ҳимоя деб кўриш ҳақидаги юборилган ҳужжатлар ва тавсияномаларни тўла ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

1. Рустам Иброҳимовга истисно тариқасида барча номзодлик имтиҳонларини муддатидан олдин (экстерн) топширишга рухсат берилади;

2. Диплом ишини диссертация талаблари асосида тайёрлаб, шу соҳадаги ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилишга тавсия этади.

ОАК ҳайъати Сиз раҳбарлик қилаётган университетдаги ижобий ишлардан мам-

(Давоми 2-бетда).

ШАРҚ БЕШИГИДА «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» 2-бет.

ОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИНМИ? 4-бет.

❀ **«Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

❀ **23 июль куни Бишкекда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисида Марказий Осиёда ядро қуролларисиз ҳудудни вужудга келтириш ҳамда бу масалани БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясига олиб чиқиш имкониятлари Афғонистон ва Тожикистондаги вазият бўйича фикрлар алмашилди.**

JUMLADA JAHON

❀ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида эпидемияларга қарши кураш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимизда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган юқумли касалликлар пайдо бўла бошлагани қайд этилиб, уларга қарши курашни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.**

❀ **Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ўзининг АҚШга ташрифи давомида грузин-абхаз можаролари ҳудудидаги Россия тинчликни сақловчи кучларини БМТнинг «мовий каскалар»ига алмаштириш таклифини ўртага ташлади.**

❀ **Кипр, Эстония, Польша, Венгрия, Чехия ва Словакия Европа Иттифоқига кириш борасида музокаралар ўтказишни бошлаш учун расман таклифнома олишди.**

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ТАЛАБАЛИККА ТАРАДДУД

Ёшликнинг энг ҳаяжонли, унутилмас дамларидан бири бу шубҳасиз абитуриентлик даври бўлса керак. Дарҳақиқат, Беруний педагогика билим юрти ҳам шу кунларда ана шундай туйғулар оғушида эзгу ниятлар билан ташриф буюрган ёшлар билан гавжум.

Талабалар сафини билимга чанқоқ ёшлар билан тўлдиришни мақсад қилиб қўйган билим юрти маъмурияти абитуриентлар учун барча қулайликларни яратишга ҳаракат қилаяпти. Билим юрти қабул комиссиясининг масъул котиби К. Масаков уларга бош-қош.

Фойиб ЁҚУБОВ.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Ажабо, ёзнинг ҳам икки ойи ўтиб кетибди. Хаш-паш дегунча янги ўқув йили ҳам бошланади. Буни яхши ҳис этган Андижон туманидаги 15-ўрта мактабнинг педагогик ходимлари мактабни таъмирлаш ишларини тугаллашди. Таъмирлаш ишларида, айниқса, мактаб ўқитувчиларидан Ҳ. Собиров, Б. Солиев, Н. Йўлдошевлар катта жонбозлик кўрсатдилар.

Мактабнинг оталиқ ташкилоти бўлган тумандаги «Мустақиллик» фермер хўжалигининг мактаб таъмиридаги ёрдами катта бўлди. Бу ташкилот мактабни қурилиш материаллари, парта, стол, стуллар билан таъминлабгина қолмай, қўшимча 220 ўринли янги мактаб биносини ҳам қуриб бердилар.

Ш. КЕЛДИЕВ.

МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Туман ХТБ ташаббуси билан 3-лицей қошида Марҳамат туман ва шаҳар мактаблари она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг бир ойлик малака ошириш курси очилиб, унда икки гуруҳда 40 нафар тингловчи билим ва малакаларини оширдилар.

Тингловчилар вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти она тили ва адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди, доцент В. Қодировнинг «Мумтоз адабиётни ўқитиш услуби», шу кафедра услубчи ўқитувчилари З. Мамажоновнинг «Адабиёт дарсларини замонга боғлаб ўқитиш», М.Норматовнинг «Ўқувчиларга лотин алифбосини ўқитиш усуллари ҳақида» каби маҳаллий далилларга бой лекцияларини мароқ билан тингладилар.

А. ЭРГАШЕВ.

ЯНГИ АЛИФБОГА ЎГИРИЛДИ

Хайрли ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Асосийси амалга оширилишида. Қўқон шаҳар адабиёт музейи раҳбари Султонхон Сотволдиев ва илмий ходим Муҳаммаджон Мадаминовлар ҳам эзгу ниятлар билан шоир Амирий девонини нашрга тайёрлаш ишларини авж олдириб юборишган. Улар шоирнинг 40 та шеърини янги алифбомизга ўгирдилар.

М. КАРИМОВА.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

22 ЁШЛИ ФАН НОМЗОДИ

(Боши 1-бетда).

нун эканлигини қайд қилиш билан бирга бундай ишларни ҳар томонлама рағбатлантиришга тайёрдир.

ОАК раиси ўринбосари М. С. БАҲОДИРХОНОВ.

Бу далил Р. Иброҳимов илмий ишига ОАК нинг самимий эътирофи эди. Дарҳақиқат, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Университети механика-математика факультети «Эҳтиллар назарияси ва математик статистикалар» кафедрасида дунёга келган «Симметрик статистикалар моментлари учун баҳолар» мавзуидаги номзодлик иши эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг назарий ҳамда тадбиқий масалаларида катта аҳамиятга эга.

Ёш олимнинг номзодлик диссертацияси учун тайёрланган автореферати билан танишамиз. Унда инглиз, рус ва ўзбек тилларида илмий ишнинг мухтасар мазмуни келтирилади. Бундан ойдинлашадики, Р. Иброҳимов номзодлик диссертациясида симметрик тақсимотли тасодифий миқдорлар учун Розенталь тенгсизлигида аниқ константлар топган. Яхши маълум бўлган Хинчин, Марцинкевич-Зигмунд ва Розенталь момент тенгсизликларнинг умумий кўринишдаги симметрик статистикалар учун аналоглар исботланган. Маторизация муносабатини сақламайдиган функциялар кенг синфнинг характерланиши текширилган. Булардан ташқари, боғлиқмас тасодифий миқдорлар суммалари учун бир қатор экстремал муаммолар ечилган ва умумий результатларнинг хусусий кўринишдаги статистикалари учун татбиқлари олинган.

Америкалик олимлар Розеталь, Джонсон, Шехтмон, Зин ва польшалик Хитченко, шунингдек, Россия олимлари С. В. Нагаев, Н. Ф. Пикелев, С. А. Утаев ва В. В. Сазановлар бош қотирган ана шундай йирик муаммони жаҳонда биринчи маротаба тўла-тўкис ҳал қилиб берган юртдошимиз Р. Иброҳимовнинг номи дунё математиқаси тарихида мухрланиб қолиши аниқ.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ШАРҚ БЕШИГИДА «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»

Маълумки, мамлакатимизнинг ютуқлари, унинг жаҳон саҳнасидаги кундан-кунга ошиб бораётган обрўси юртимиз фуқаролари қувончига қувонч қўшмоқда. Юртимизга жаҳон кўз ташламоқда. Шундай қувончли тадбирлардан яна бири қадимий ва навқирон шаҳарлардан бири кўҳна Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтажаги ҳам фикримиз далили. Бу «Шарқ тароналари — 97» халқаро мусиқа фестивалидир. Бу тадбирнинг айнан, Самарқандда ўтказилиши бежиз эмас. Самарқанд — азалдан шарқнинг бешиги ҳисобланади. Унинг ноёб санъат асарлари, миноралари жаҳонда маълум ва машҳур.

Самарқандда ўтадиган бу тадбир олдидан 23 июль куни Маданият вазирлигининг мажлислар залида журналистлар ва оммавий ахборот воситалари иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон маданият ишлари вазири, «Шарқ тароналари — 97» халқаро мусиқа фестивали бош директори Хайрулло Жўраев иштирок этди ва саволларга атрофлича жавоб берди.

— «Шарқ тароналари — 97» халқаро мусиқа фестивали ЮНЕСКО ташкилоти билан биринчи марта ҳамкорликда ўтказилаётир. Бу кўрик 25 августдан 2 сентябрга қадар давом этади, — деди Х. Жўраев. — Унга 40 дан ортиқ давлатлардан меҳмонлар келиши кутилмоқда. Ҳаммасига таклифномалар жўнатилган. Жюри ҳайъати ҳам тасдиқланиб бўлинди. Жами 7 мамлакат вакили ва I халқаро ташкилотдан, яъни ЮНЕСКО ҳузуридаги халқаро кенгашидан иборат икки вакил бу кўрик танловни одилона бошқариб борадилар. Меҳмонларни машҳур «Афросиёб» меҳмонхонаси ўз бағрига олади.

Маълумки, ундан ташқари яна бир қанча тадбирлар ва учрашувлар режалаштирилган. 28-29 август кунлари ижодий конференция ҳам бўлиб ўтади. Унда 47 давлатдан маърузачилар қатнашиши кўзда тутилмоқда. 18 давлатдан келадиган жаҳонга машҳур йирик олимлар ва санъаткорларнинг қатнашиши ҳам бу тадбирнинг нақадар аҳамиятли эканлигини билдирмоқда. Бу анжуманга хорижий журналистларнинг катта гуруҳи ҳам келиши кутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Шарқ тароналари — 97» халқаро кўрик-танлови юртимизнинг жаҳонга юз тутишида яна бир муҳим қадам бўлади, дея баралла айта оламиз.

Хайрулло ЖУМАЕВ,
«Маърифат»нинг ўз мухбири.

Собир Раҳимов туманидаги «Чарос» номли болалар боғчасида 200 нафардан зиёд болажонлар тарбияланмоқда. Боғча тарбияланувчилари бу ерда янги ўзбек алифбосидан, она тили ва инглиз тилларидан ҳамда меҳнатдан илк сабоқларни олишмоқда.

Суратда: боғча тарбиячиси Гулсара Юнусова болаларни рўзғор буюмлари билан таништирмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

СОЗАНДА МУАЛЛИМЛАР

Самарқанд шаҳридаги 1-мусиқа мактабида етук ижрочилик қобилиятига эга бўлган барча соз муаллимларини аниқлаш, ҳамда мусиқа маданиятини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш мақсадида вилоят мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчиларининг «Мураббий ижрочи — 97» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда 56 нафар мураббий иштирок этди. Жомбой туман 10-болалар санъат мактаби ўқитувчиси Ҳасанбой Саидов — рубоб сози бўйича, Челак тумани 28-ўрта мактаб ўқитувчиси Эргаш Толбоев — най сози бўйича, Самарқанд шаҳар 6-болалар санъат мактаби ўқитувчиси Қобил Азимов ва 22-ўрта мактаб ўқитувчиси Рохи Эгамбердиевлар — доира сози бўйича, 24-ўрта мактаб раҳбари Дилшода Эгамбердиева — скрипка сози бўйича ўз маҳоратларини намойиш этиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Ғолибларга маданият ишлари бошқармаси туман, шаҳар бўлимларининг пул мукофотлари берилди.

С. ЖЎРАЕВА.

Mulohaza va tahlil

МИЛЛАТНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ФАҚАТ БУГУННИ ЭМАС, ЭРТАНИ ЎЙЛАЙДИ

Бугун жамиятимизда янгича дунёқараш, янгича фикрни шакллантириш, мустақил Ватаннинг мустақил, маърифатли ва маданиятли ёшлари — янги авлодни тарбиялаш жараёни кечаётир. Бу жараённинг бош бўғинида, аввало, таълим-тарбия масаласи етиши табиий. Зеро, тараққиётнинг асосий омили таълим эканини тарих кўп бора исботлаган.

Шу маънода бугун Республикамиз ҳукумати таълим-тарбия, маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратаётгани хайрлидир. Жумладан, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг замонавий ва миллий кадрларни тарбиялаш тўғрисида билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам кишини жиддий мушоҳадага чорлайди. Чунки, юксак билимга эга миллий мутахассисларсиз миллий тараққиётга эришиб бўлмайди. Дарвоқе, ёш авлод нафақат илм, балки, юксак маданият соҳиби бўлмоғи ҳам керак. Маълумки, бу жараён, аввало, оила, боғча сўнгра мактабдан бошланади. Хусусан, мактабдаги таълим-тарбия ўқувчининг қандай шахс бўлиб улғайишида муҳим рол ўйнайди. Нега деганда, мактаб партасида сабоқ тинглаётиб ўқувчида мустақил фикр шаклланади, дунёни идрок этишга иштиёқ юксалади, шуурида мушоҳада уйғонади. Шу ўринда савол туғилади, хўш, ўқувчи ва ўқитувчилар замон талабларига тўла жавоб бериши қандай мезонларга боғлиқ? Бу борада қандай ислоҳотларни амалга оширмоқ лозим?

Биз ҳозирда ўқитиш жараёнига янги педагогик технологияни олиб кириш, уни бойитишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу борадаги энг асосий ишлардан бири сифатида мактабларда ўқув тизимига тест-рейтинг усулининг жорий этилганини айтиш мумкин. Бу усул ўз самарасини кўрсатмоқда. Яъни, бунда ўқувчининг билим доираси кенгаяди, хотираси мустаҳкамланади, мушоҳада қилиш қобилияти фаоллашади. 1996—97 ўқув йилида тумандаги 22 та мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари билим даражасини синаш мақсадида тил-адабиёт, математика, физика, химия-биология фанларидан тест синовлари ўтказилди. Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад ўқувчиларнинг қайси фанлардан кўпроқ ўзлаштираётгани ҳамда қайсиларидан оқсаётганликларини аниқлаш ва таҳлил этиш эди. Тил-адабиёт, математика бўйича олинган натижалар кутилганидан ҳам яхшироқ, лекин физика, химия, чет тили, биология бўйича тест натижалари ҳақида бундай деб бўлмайди. Нега? Аввало, бунинг асосий сабаби Нурота туманида чет тили, физика, химия, биология фанлари бўйича мутахассислар етишмайди. Айниқса, бугунги кунда ўқувчиларнинг чет тилларини ўрганишга иштиёқи баланд. Лекин, бу эҳтиёжни қондиришга имконият йўқ. Туман мактабларида асосан немис тили ўқитувчилари кўпроқ. Инглиз, араб, француз тилларидан эса мутахассислар етарли эмас. Шу боис инглиз тилини ўрганишга иштиёқи баланд ўқувчи имкониятдан келиб чиқиб, немисчани ўқишга мажбур. Лекин, педагогика методикаси нуқтаи назаридан ўқувчи бирор фанни етарли даражада ўзлаштириши учун унда ички интилиш, бироз бадиийроқ айтадиган бўлсак, фанга муҳаббат керак. Биз ҳозирда мазкур муаммони бартараф этиш учун республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан шартномалар тузишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Мактабларда таълим жараёнини янада фаоллаштириш, жонлантириш учун ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар орасида турли кўрик-танловлари мунтазам ўтказилмоқда. 1996—97 ўқув йилида туман миқёсида «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Йил синф раҳбари», «Қушиқ байрами —97», «Шунқорлар», «Иқбол» каби илмий-маданий тадбирлар муваффақиятли ўтказилди. 1996 йил туман миқёсида ўтказилган иқтидорли ўқувчилар кўрик танловида 108 нафар юқори синф ўқувчиси қатнашиб, улардан 8 нафари республикамиздаги олий ўқув юртлари қошидаги лицейларга йўлланма олишди. Ушбу танловда қатнашган 50 нафар ўқувчи ўтган йили талаба бўлди.

Бугунги кунда билим олиш билан бирга ҳунар ўрганиш ҳам бирдай муҳим аҳамиятга эга. Биз масаланинг ушбу томонига ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Ҳозирда тумандаги 5 та мактабдан ташқари муассасаларда 4119 нафар ўқувчига касб-ҳунар ўргатилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида таълим-тарбия муассаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш, ушбу тизимни ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг муҳим бўғини саналади. Шу мақсадда туманда таълимнинг моддий таъминотини яхшилаш учун мактаблар қошида кичик корхоналар очилаётир. Тумандаги 5, 6, 32-мактабларда, «Феруза» болалар боғчаси ҳамда техника ижодиёти марказида ташкил этилган кичик корхоналар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Шунингдек, тумандаги ёрдамчи хўжаликлардан мактаблар учун 1996 йилда 500 минг сўмга яқин маблағ олинди. Туман таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларини фаоллаштиришда ҳомий ташкилотлар хизмати ҳам салмоқли бўлмоқда. Аълочи ўқувчиларга ҳоким стипендияси, шунингдек, «Баҳри», «Бўстон», «Жебачи» каби хусусий фирмалар раҳбарлари томонидан аълочи ўқувчилар учун пул тўловлари йўлга қўйилгани яхши натижа бераяпти. Маълумки, бу аввало, ўсмирлик психологияси билан изоҳланади. Яъни, моддий рағбат ўқувчиларда илм олишга нисбатан шижоат уйғотади. Хусусан, ўқувчилар вилоят, республика олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этяпти.

Бугун таълим ҳақида ғамхўрлик кўрсатган ҳар бир ишбилармон фақат халқнинг дуосини олади, савобга қолади. Мен шу ўринда туман таълим идорасининг раҳбари сифатида уларга ўз миннатдорчилигимни айтаман.

Умуман, шу ўринда яна бир фикрни айтиш керак, деб ўйлайман. Бу бир томондан менинг шахсий мулоҳазаларим бўлса, иккинчи томондан у кўпчилик ўқитувчилар фикрига ҳамоҳангдир, деб ўйлайман. Айтмоқчи бўлганим, оддий ўқитувчи данғиллама уйда, ёгани олдида, емагини ортида бўлиб яшамаслиги мумкин. Лекин, унинг хизматига қиёс йўқ. Улуғ шоир хўб айтган: «Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айлабон бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила». Лекин, бугунги кунда «Ўқитувчиликда нима бор?», «Ўқитувчи бўлиб косанг оқарармиди?» қабилидаги гаплар ҳам қулоққа чалинади. Айрим ҳамкасбларимиз таълим даргоҳларини тарк этиб мўмайроқ пул илинжида юргани ҳам сир эмас. Мен уларни қораламоқчи эмасман. Тўғри, бозор иқтисоди шароитида моддий масала катта аҳамият касб этади. Лекин, ўз навбатида оқлай ҳам олмайман. Тараққиёт қонунлари таъкидлаганидек, янги авлодни тарбия этиш учун кимдир фидоий бўлиши ҳам керак-ку, ахир! Кўпчилик ўз «бахти»ни бозорда синаб кўришга ошиқаётган бугунги кунда ёш авлод тарбияси, таълим масалаларининг ҳаётий муҳимлигини заррача бўлсин камситмайди. Бу боис, мустақил Ватанимизнинг порлоқ келажаги фидокор ўқитувчиларимизга кўп томондан боғлиқ. Миллатнинг ҳақиқий фарзандлари эса, бугунни эмас эртани ўйлайди, келажак авлод фарзандларимиз ҳақида қайғуради.

Омон БОЗОРОВ,
Нурота тумани халқ таълими бўлими мудири.

КОМПЬЮТЕР ИХЛОСМАНДЛАРИ

Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасининг ташаббуси билан вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти мутахассислари ёрдамида Янгиариқ туманидаги 29-мактабда «Компьютер техникасидан барча фанларда машғулотлар жараёнида фойдаланиш» мавзусида илмий-амалий кенгаш ўтказилди. Унга тумандаги мактабларнинг илмий бўлим мудирлари, ЭҲТ фани ўқитувчилари таклиф қилинди.

Кенгаш иштирокчилари 29-мактабда ЭҲТ фанининг ўқитилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар билан атрофлича танишдилар. Компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда она тили ва адабиёти, рус тили, математика фанларининг ўқитилиши таҳлил этилди.

Кузатилган 37 соат дарснинг энг яхшилари сифатида Озода Каримованинг рус тили дарси, Назира Дурдиеванинг бошланғич синфда ўтган математика дарси, Сунажон Маҳмудованинг бошланғич синфларда ўтган она тили дарси эътироф этилди.

Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ.

Rasmiy bo'lim

Барчамизга маълумки бу йил Тошкентда «Ўзбек тили» доимий анжуманининг «Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари» мавзусига бағишланган IV йиғини бўлиб ўтган эди.

Мазкур анжуман узлуксиз таълим-тарбия бўғинларида ўзбек тилини она тили ва иккинчи тил сифатида ўқитиш масалалари ҳамда олий таълим муаммолари бўйича тавсиялар қабул қилди.

Анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда давр талаби ва эҳтиёжи асосида доимий анжуман Низоми қайта ишланди.

Қуйида «Ўзбек тили» доимий анжумани Низомини диққатингизга ҳавола этамиз.

НИЗОМ

I. АНЖУМАННИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. 1. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалиётга жорий этиш омили сифатида таъсис этилган «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжумани (қисқартмаси ЎТДА) мактабгача тарбия муассасаларидан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган узлуксиз таълим тизимида давлат тилини ўрганиш ва ўқитиш методикаси мазмунини белгилаш, такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг илмий-методик органи ҳисобланади.

ЎТДА доимий ҳаракатда бўлади. У ўзининг анжуманида сайланган ва шу анжуманга бўйсунувчи раис, ҳамраис ва илмий котибига, Республика Таълим маркази ҳузурида жамоатчилик асосида ишлайдиган илмий-методик Кенгаш (ИМК — она тили, ўзбек тили, ўзбек адабиёти бўйича) шаклидаги ижроия қўмитасига эга бўлади.

1. 2. Ўзбек тили доимий анжумани раиси, ҳамраиси, илмий котиби ҳуқуқлари, бурчлари мазкур Низомда белгилаб берилади.

1. 3. Ўзбекистон ҳукумати Республика Халқ таълими вазирлигининг директив ҳужжатларига амал қилган ҳолда ЎТДА ўзбек (она тили ва иккинчи тил) тилини ўрганиш ва ўқитишнинг самарали усул ҳамда методларини муҳокама қилади, тавсиялар беради, илмий-методик изланишлар йўналишларини белгилайди, ўзбек тили таълими мазмунини янгилаш, такомиллаштиришнинг долзарб вазифаларини ўрганиш ва ҳал этишга республика илмий-методик кучларини жалб этади.

1. 4. Ўзбек тили доимий анжумани:

— соҳанинг долзарб муаммолари бўйича асосий маърузаларни:

— ЎТДАнинг ҳисоботини:

— шўъба раҳбарларининг ҳисоботини тинглайди.

— ЎТДА раиси ва илмий котибини сайлайди, тавсиялар қабул қилади. Навбатдаги йиғин мавзусини белгилайди.

1. 5. Анжуман доирасида:

— мактабгача тарбия;

— бошланғич таълим;

— умумий таълим;

— махсус таълим;

— эски ўзбек ёзуви;

— олий таълим;

— иккинчи тил сифатида ўзбек тилини ўқитиш шўъбалари ишлайди.

Маърузаларнинг миқдори, мутахассисларнинг таклиф ва мулоҳазалари ҳамда муҳокама қилинаётган масалаларнинг хусусиятига боғлиқ равишда қўшимча шўъба ва кичик шўъбалар ташкил этилиши мумкин.

1. 6. Анжуман ҳар икки йилда бир марта, жойлардаги Халқ таълими бошқармалари ва олий ўқув юртлари замирида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг фаол иштирокида ўтказилади.

ЎТДАнинг навбатдаги йиғини, ўтказиш муддати жойи, мавзуси «Маърифат» газетаси орқали анжуман йиғилишидан олти ой илгари эълон қилинади.

1. 7. Анжуман ишида иштирок этиш учун талабномаларни қабул қилиш анжуманга 4 ой қолганда бошланади ва 2 ой қолганда тугалланади.

II. АНЖУМАНГА ВАКИЛЛАР САЙЛАШ ВА МАЪРУЗАЛАРНИ ТАНЛАШ ТАРТИБИ

2. 1. Ўзбек тили анжуманига вакиллар мактабгача тарбия муассасаларининг тил мутахассислари, умумтаълим ва махсус таълим мактаблари, ҳунар билим юрти тил-адабиёт ўқитувчилари туман (шаҳар) метод бирлашмаларининг йиғилишларида; ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитиш масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институт бўлимлари, олий ўқув юртлари тил кафедралари мажлисларида кўрсатилади.

Она тили, ўзбек адабиёти, ўзбек тили (иккинчи тил) бўйича илмий-методик Кенгаш аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва Республика Таълим марказининг ЎТДА ишида қатнашаётган масъул ходимлари анжуман вакиллари ҳуқуқига эгадирлар.

2. 2. Анжуманда ўзбек тилини ўқитишни такомиллаштиришга алоқадор бўлган ҳар бир шахс, шу жумладан фан, халқ таълими ходимларидан маърузалари ташкилий қўмита томонидан маъқулланган ва анжуман дастурига киритилган маруза чилар қатнашадилар.

2. 3. Ўзбек тили ва адабиёти муаллимлари ҳамда мутахассислари фаоллигини ошириш, анжуман мавзуси бўйича маърузалар савиясини кўтариш мақсадида анжуманга тайёргарлик жараёни босқичма-босқич ташкил этилади:

1-босқич. Барча турдаги мактаблар, ҳунар билим юртлари ва мактабгача тарбия муассасаларида апрель ойида (республика анжуманларидан бир йил олдин) ўтказилади. Анжуманда қатнашиш истагини билдирган ҳар бир тил-адабиёт мутахассиси белгиланган мавзу бўйича маруза ёзадилар. Маърузалар боғча, мактаб, ҳунар билим юрти соҳа метод бирлашма йиғилишларида муҳокама қилиниб баҳоланади. Метод-бирлашма қарорига мувофиқ анжуман йўналишлари (шўъбалари) бўйича маъқулланган биттадан маруза туман (шаҳар) миқёсида ўтказиладиган халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашлари шўъба йиғилишларида иштирок этиш учун йўлланма олади.

2-босқич. Туман, шаҳарларда ўтказилади. Мазкур босқичда анъанавий август кенгашлари масаласи билан бир қаторда анжуман мавзуси бўйича 1-босқичда маъқулланган маърузалар тингланиб, муҳокама қилинади. Маърузалар туман (шаҳар) халқ таълими бўлими буйруғи билан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади. Мазкур босқичда ҳар бир шўъба йўналиши бўйича маъқулланган биттадан маруза 3-босқичга тақдим этилади.

3-босқич. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилади. Мазкур босқич «Ўзбек тили» анжуманининг белгиланган мавзуси бўйича илмий-амалий кенгаш тарзида доимий анжуманнинг навбатдаги йиғилишидан 6-7 ой илгари (октябрь ойида) ўтказилади. Маърузалар юқорида қайд этилган шўъбаларда муҳокама қилинади. Шўъба ҳайъати томонидан маъқулланган ва ҳар бир йўналиш бўйича 1-ўринни эгаллаган маърузалар шу йилнинг 1 декабригача «Ўзбек тили» доимий анжуманни ўтказиш ташкилий қўмитасига тезис ҳолида (машинка ёзувида — 1 бет) йўлланади.

Университетлар, педагогика олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари анжуман шўъба йўналишлари бўйича биттадан маърузани Республика анжуманига тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Демак, Республика анжуманида иштирок этиш учун барча босқичларда қатнашган ва энг яхши маърузаларгина тавсия этилади.

4-босқич. Республика миқёсида. Анжуман ташкилий қўмитаси белгиланган шаҳарда, вилоят халқ таълими бошқармаси замирида апрель ойида ўтказилади.

Мазкур босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган илмий-амалий кенгашда маъқулланган маруза муаллифлари иштирок этадилар. Шунингдек, мактабгача тарбия муассасаларидан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим бўғинларининг тил-адабиёт мутахассислари, илмий-тадқиқот институтларининг илмий ходимлари, халқ таълими бўлимлари, малака ошириш институтлари тил мутахассислари, аспирантлар, докторантлар, педагогика институти филология факультетининг юқори курс талабалари қатнашишлари мумкин.

III. «ЎЗБЕК ТИЛИ» ДОИМИЙ АНЖУМАНИ РАИСИ ҲАМДА ИЛМИЙ КОТИБНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

3. 1. Доимий анжуман фаолиятининг кўпқирралиги ҳамда масъулият даражасига кўра анжуманни раис ҳамда ҳамраис бошқаради. Ўзбек тили доимий анжумани раиси ва ҳамраиси якуний ялпи мажлисда икки йил муддатга сайланиб, анжуман ишига раҳбарлик қилади. Илмий-методик кенгаш иши, анжуман тавсияларига ИМК жорий қарорларининг мувофиқлиги, ЎТДАнинг навбатдаги йиғини ўз вақтида чақирилиши юзасидан назорат қилади. Тил таълими бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг директив ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этади. Илмий-методик кенгаш ва анжуман ташкилий қўмитаси ҳамда ишчи гуруҳ йиғилишларида ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фан фойдаланади. Анжуман раислигига (ҳамраис) номзоди, фан доктори илмий даражасига эга бўлган тилшунос ёки методист олимлардан кўрсатилади.

3. 2. ЎТДА илмий котиби анжуман якуний ялпи мажлисида икки йил муддатга сайланади. Илмий-методик кенгаш ҳамда бошқа ишчи гуруҳ йиғилишларида ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади. Илмий котиб анжуманни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ барча фаолиятни меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, анжуман тезислари ва қўлланмаларини нашр этиш: ишчи гуруҳ фаолияти ҳамда анжуманга тайёргарлик жараёнини мунтазам равишда матбуотда ёритиш, анжуман билан боғлиқ ахборотларни тўплаш, умумлаштириш ва бошқа ишларни) бошқаради. Илмий котиблика номзод Ўзбекистон Таълим маркази ўзбек тили ва адабиёти бўлими мутахассисларидан кўрсатилади.

IV. АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Мактаб, мактабгача тарбия муассаса, ҳунар билим юрти раҳбарлари; туман, вилоят халқ таълими бўлими ва бошқармалари анжуманнинг фаол иштирокчиларини тақдирлаш учун маблағ ажратади.

Республика анжуманида иштирок этиб, ўз маърузасида ўзбек тили таълими мазмунини янгилаш, такомиллаштиришга оид янги ғояларни олиб чиққан, замонавий педагогик технология бўйича таклифлар берган, таълимнинг янги шаклларини намойиш эта олган маърузачилар «Ихтирочи ўқитувчи», «Таълим фидойиси» каби кўкрак нишонлари билан тақдирланади.

V. ЎТДАНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ

Тасдиқланган сарф-харажатлар ҳисоб-китоби (смета) асосида анжуман мавзуси бўйича тезислар тўплами ва методик қўлланмаларни чоп этиш; анжуман дастури ва таклифномасини тайёрлаш, иштирокчиларга транспорт хизмати ҳамда мадания хизматни ташкил этишни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таъминлайди.

Анжуманнинг вилоят, туман босқичлари маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, илмий-тадқиқот институти ва олий ўқув юртларидан келган анжуман иштирокчиларининг кундалик ва йўл харажатлари жойлардаги таълим муассасалари томонидан тўланади.

V. 1. Доимий анжуман «Давлат тили ҳақида»ги Қонун асосидаги Давлат дастурига биноан ҳар икки йилда бир марта ўтказилади.

Xotira

МЕТОДИКАМИЗ ДАРҒАСИ

Устоз Субутой Долимовнинг номи жумҳуриятимизнинг таниқли адабиётшунос ва методист олимлари — Ҳомил Ёқубов, Ғулом Каримов, Б. Каримий, З. Мирҳожиева, Ҳ. Ҳомидий, Ҳ. Убайдуллаев, Ҳ. Зуннун ва бошқалар билан бир қаторда ҳамиша ҳурмат билан тилга олинади. С. Долимов ана шу алломалар билан ҳамкорликда ўрта ва олий мактаблар учун адабиёт хрестоматияси, ватан адабиёти, адабиёт ўқитиш методикаси бўйича қатор китоблар нашр эттиради. Мазкур хрестоматия ҳам ўқув қўлланмалари ва улардан жой олган С. Айний, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек ва бошқаларнинг асарларини мактабларда ўқитиш методикасига оид қатор илмий мақола ва рисолалар эълон қилади (Масалан, «Бешинчи синфда С. Айнийнинг ва А. Қаҳҳорнинг ҳикояларини ўрганиш») 1959 «Ватан адабиёти учун методик қўлланма» (1955), «8-синф «Ўзбек адабиёти тарихи дарслиги учун методик қўлланма» (1968), «Таълимий баён ва иншо» (1960), «Еттинчи синфда Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини ўтиш ҳақида», «Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи ҳақида» (1967), мумтоз адабиётимизнинг айрим кам ўрганилган намояндалари ва муаммоларига оид бир қанча принципиал илмий мақолалар билан чиқади (Масалан, «Муҳаммад Ризо Огаҳий поэзиясида омоним ва синонимлар» (1957), «Алишер Навоий ва XIX аср Хоразм адабиёти» (1977), «Фузулий ва XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиёти» (1984). Бундан ташқари Субутой Долимов Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг «Танланган асарлар»и, Гулханийнинг «Зарбулмасал»и, Алмайининг «Танланган асарлар»и, Кайковуснинг «Қобуснома»сини, Шарқда машҳур бўлган «Калила ва Димна»ни нашрга тайёрлади. Шотурсун Шомақсудов билан бирга халқ оғзаки ижодининг нодир дурдоналарини тўплаб, уни «Кенг уйнинг келинчаги» номида илмий шарҳлар билан нашр эттирди.

Айниқса, олим ўзининг узоқ йиллик илмий изланишларини Хоразм шоирлари Мунис Хоразмий, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз), Муҳаммад Юсуф Рожий, Комил Хоразмий ва Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳаёти ва меросини ўрганишга бағишлади. Булар ичида устознинг Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодига оид тадқиқот ва илмий нашрлари катта аҳамиятга моликдир. Субутой Долимов мазкур мавзу юзасидан олиб борган узоқ йиллик илмий тадқиқотларидан сўнг Огаҳийни ижодининг сермаҳсуллиги ва бадиий эстетик қиммати жиҳатидан ўзбек адабиёти тарихидаги Навоийдан кейинги энг йирик ижодкор сифатида исботлаб берди. Ва бунинг оқибатида у 1970-1980 йилларда Ғулом Каримов билан бирга унинг 6 жилдлик мукаммал асарлари тўпламини нашр эттиришга эришади. Бунда олим айниқса, қадимий туркий тилдан ташқари, араб, форс тилларининг катта билимдони сифатида Огаҳий асарлари матнлари устида узоқ йиллар тинимсиз ишлаб, масъулиятли тестологик вазифани ҳам шараф билан бажарди.

Олим, айниқса, 1957 йилдан то умрининг охиригача бўлган (то 1991 йил 23 май вафотигача) даврида Тошкент Давлат Университетида Ўзбекистон Педагогика Фанлари илмий-тадқиқот институти билан бўлган илмий-педагогик ҳамкорликлари даврида кўплаб адабиётшунос ва методист олимларни тарбиялаб етиштирди. Унинг илмий ва методик мероси, амалий ўқитув тажрибалари, бугунги кунда фарзандлари, авлодлари, шогирдлари ҳаёти ва ишларида давом этмоқда.

Шерали ТУРДИЁВ,
Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти катта илмий ходими.

Avgust kengashlariga

ЯНГИЛИКЛАР АКС ЭТСА...

Биз аввалларидан бир соҳа ҳақида сўз юритсак, ундаги ютуқлар билан ғурурланардик. Бугун эса ана шу одатни фойдасиз эканлигини англаб етдик. Аксинча камчиликлар ҳақида кўпроқ гапириб, уни тугатиш йўлларини ахтаряпмиз. Чунки ютуқлар шубҳасиз бизники, лекин камчиликларчи? У ҳам бизники эмасми? Шу маънода баъзи фанлар бўйича ўқитилаётган мактаб дарсликлари ҳам яроқсиз ҳолда, эканлиги сир эмас. Мен бугун физикадан ўқув дарсликларининг камчиликлари ҳақида ўз фикрларимни айтмоқчиман. Ушбу фанга оид дарсликларни кўздан кечирадиган бўлсак, уларда мазмунан бир хиллилик мавжуд.

Физика дарсликларига янгича физик қонунлар киритилмаяпти. Агар «Ҳаракат қонунлари» мисолида оладиган бўлсак у фақат қаттиқ жисмлар механикаси учунгина тўғри бўлмай, Ньютон қонунларини суюқликларда ҳам кўриш мумкин-ку. Шунинг учун суюқликлар механикасини ҳам дарсликка киритиш лозим. Дарслик яратилаётган вақтда фанлараро боғланишга эътибор бериш лозим деб ҳисоблайман. Масалан унга биофизика, физколлоид химия, тола физикаси, космогония, геофизика каби бўлимларни ҳам киритиш даркор.

Назаримда Урта Осиё олимлари Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Беруний, Форобий кабиларнинг ҳам суратларини дарсликларга тушириб, уларнинг илмий ишларидан ҳам фойдаланилса ёмон бўлмасди. Шунингдек, бошқа ўзбек олимларини ҳам монография, диссертация ишларидан нега дарсликларда фойдаланмаслик керак? Ахир ўзбекистонлик олимларимиз лазер устида ҳам, ярим ўтказгичлар устида ҳам илмий изланишлар қилиб, атом ва ядро физикаси оламида ҳам кашфиётлар қилмоқдалар-ку.

Мен лицей-интернат ўқувчиларига физика фанидан сабоқ бераман. Тўғриси лицейлар учун ҳали мукаммал дарсликлар яратилмаган. Назарий дарсларни ўқувчилар онгига мос, уларни қаноатлантирарли қилиб ўқитиш учун бешунталаб қўлланмаларни ўрганишга тўғри келади. Дарсимга тайёргарлик давомида «Ёш физиклар энциклопедияси»дан, ҳаётий тажрибаларимдан мунтазам фойдаланаман. Мен ҳам «биофизика» дарслиги яратиш ишига қўл урганман. Лекин уни китоб шаклига келтириш учун анча меҳнат қилиш керак.

Хўш, физика фанидан масалалар ечиш аҳволи қандай? Биз шу кунгача Сахаров, Знаменский, Демкович ва Римкеевич авторликларидаги китоблардан фойдаланиб келдик. Масалалар шартлари ва келтирилган мисоллар деярли рус технологиясига, рус асбобларига мослаб, рус урмонлари, рус жамиятига мос қилиб берилган. Бу билан мен рус олимлари ва уларнинг хизматларини инкор этмоқчи эмасман, бироқ Ўзбекистондаги шароит ўзбек технологияси, ўзбек халқ ҳужалигидаги мисоллардан олинса, ўқувчини тушуниши анча осон бўларди. Бу борада лицей ўқувчиларига Аҳмаджонов, Исмоилов каби авторларимиз чиқарган дарслик, қўлланмалардан фойдаланиб дарс ўтаяпман.

Яқинда хизмат сафари билан Тошкент шаҳрида бўлиб, узимга ҳамфикр, ҳамксаб дўст ортирдим. Азизжон Юсупов, Акмал Икромов туманидаги 197-ўрта мактабда ёшларга физика фанидан сабоқ бераркан. У киши бу соҳада анча ютуқларга ҳам эришибди. Саккизта китобнинг муаллифи эканликлари эса фикримизга яққол исбот бўла олади.

У кишининг китобларидан мен ҳам 3-4 йилдан бери Римкеевич китоби қаторида барча дарсларда фойдаланиб келаман.

Азизбек Юсуповнинг асосан қуйидаги китоблари ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини тез ошириб бориши табиийдир. Шунинг учун жуда кам нусхада чоп этилган қуйидаги китобларини қайта нашр этилишини таклиф қиламан.

1. «Физикада масалалар тўплами». Бу китобдаги масалалар мазмуни Узбекистон шароитига, унинг табиий бойлик ресурсларига, халқ хўжалигига, техникасига асосланиб тузилган. Тушиниш осон ва кўп фикрлашни талаб қилади. Тўплам ўрта мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва янги тур мактабларига мўлжалланган.

2. «Физикадан практикум ишлари» китобида оддий ясама асбоблар ёрдамида практикум ўтказилади ва қонунлар моҳияти очилади. Чунончи, бир йўла ицплатиладиган шприцдан фойдаланиб, суюқликнинг сирт таранглик коэффициенти осонгина топилади. Практикум ишларининг мазмуни қисқа, тушунарли ва ўзбекона тарзда берилган.

3. «Физикадан синфдан ташқари ишлар» китобидан ҳам тўгарак ишларида, ўткир зеҳнлилар мушоирасида, кеча ва конференцияларда бемалол фойдаланиш мумкин.

4. «Физикада масалалар ечиш услублари» рисоласида мураккаб масалаларни бир неча усулда ечиш, олимпиада масалаларини осонликча ечиш услублари, ечим намуналари муаллиф томонидан тушунарли қилиб берилган. Китобда муаллиф Ўзбекистонда мавжуд тоғлар баландлигини, атмосфера босимларини, Угам, Сирдарё каби дарёлар сувининг оқим тезлигини, сув ҳароратларини жуда оддий усулда ўлчаш мумкинлигини асослаб берган. Шунингдек, Бухоро, Хива, Қўқон, ва Тошкент шаҳарларидаги минора, мадраса ва бошқа обидаларда товуш аккустикасининг физик хоссаларини, ранглар жилосини, уларнинг қурилиш техникасини ўрганиб, китобчага қайд этган.

Муаллиф шу кунларда яна бир янги китоб ёзиш устида иш олиб бормоқда. Бу китоб «Қизиқарли физика» бўлиб, унда қизиқарли тажрибалар, парадонелар ва бошқалар айни ўзбек урф-одатларига, маҳаллий жой физик ҳодисаларига боғлаб берилган. Юқорида номлари тилга олинган физик манбаалар кўплаб босиб чиқарилса яхши бўларди.

Ўзбекистон шароитига мос қилиб яратилаётган ана шундай китоблар кўплаб яратилса, муаллифлар янада изланса, олимларимиз қўллаб-қувватласалар албатта нур устига нур бўларди.

Зеро, Ўзбекистон табиатига мос, халқига хос бўлган физика дарсликлари яратилишига ишончимиз комил.

Иброҳим ШОДИЕВ,
Бухоро вилояти, Жондор туманидаги 127 лицей интернати директори, олий тоифали физика ўқитувчиси.

Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

ҚЎНҒИРОТ КИГИЗЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ

ёхуд бир мактабдаги ибратли иш хусусида

***«Ғузор туманининг «Ғузор» давлат наслчилик жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидаги Эшонқудуқ қишлоғида жойлашган Камолиддин Беҳзод номли 24-мактабда қадим Қўнғирот кигизлари тайёрланаяпти...»** Бу хушхабар мени ана шу билим масканига етаклади. Туман халқ таълими бўлими мудири Ҳусниддин ака Нуриддинов билан бирга Эшонқудуқ қишлоғига жўнадик. Йўл-йўлакай мудир мактаб жамоаси 2—3 йилдан буён Гилам тўқиш тўгараги ишларини яхши йўлга қўйиб, миллий гиламларимизни тўқиб сотишаётганлигини, шу ўқув йили бошидан буён бу ерда Қўнғирот кигизларини ҳам тайёрланаётгани ҳақида гапириб берди.*

— Нега энди бу кигизлар Қўнғирот кигизлари деб аталяпти?

— Эшонқудуқ қишлоғида азал-азалдан қўнғирот уруғига мансуб ўзбекларимиз яшаб келишади, — деди Ҳусниддин ака. — Мактабда тайёрланаётган кигизлар ҳам ўша қадим қўнғиротларнинг усулларида, ўша нақшларда тайёрланаяпти...

Биз охири уфқларга бориб қадалган ялангликлардан ўтиб чорвадорлар юрти — Эшонқудуққа етиб келдик. Мактаб директори Абди ака Чориев бизларни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Билим маскани билан танишдик, хоналарни айландик, соддадил қишлоқ болалари ва муаллимлари билан суҳбатлашдик.

Мактабда «Халқ амалий санъати» тўгараги ва хонаси ташкил этилган. Ушбу хонадаги ўқувчи ва ўқитувчилар қўли билан тайёрланган гилам, жулхурс ва кигизларнинг каттакичик нусхалари кўзни қамаштиради. Суҳбатга тўгарак раҳбарлари Обод Абдиева, Санобар Норматова ва Дилафрўз Полвоноваларни ҳам тортдик. «Эмишки, кигиз қадим-қадимдан қўнғиротликларнинг миллий уй жиҳози саналади. Қадимги аждодлар қўй-эчкиларини боқиб, яйлов кезишган, бу ўринда уларга кўчма уй-ўтов қўл келган. Ўтовнинг чор атрофи кигизлар билан ўралган, унинг ичидаги асосий тўшакчалар ҳам кигиз ҳисобланган... Хуллас, кигизнинг яратилиши ҳам қўнғиротликларга бориб тақалармиш...»

Билмадим, сиз кигизни кўрганмисиз? Мабодо, кўрган бўлсангиз ҳам ҳақиқий Қўнғирот кигизини кўрмагансиз. У «ўлик қирқим» юнгидан босилади. Дарвоқе, қўнғиротликлар қўй-эчкиларининг баҳорги юнг қирқимини «тирик қирқим», кузгисини эса «ўлик қирқим» деб номлашади. «Тирик қирқим»даги юнглар узун-узун бўлиб, ундан гилам тўқилади. «Ўлик қирқим» юнглари калта-калта бўлиб, бу енглар урчуққа келмайди, кигиз босилади.

Мактаб жамоаси Қўнғирот кигизларини қандай қилиб тайёрлашаяпти? Биринчи навбатда ювиб қуритилади, сифатли қилиб қўлда титилади. Сўнг юнг қанорлик мато устига талаб қилинган ўлчамда 4—5 сантиметр қалинликда текис ёйилади. Унинг устига ранглангган юнглардан нақшлар туширилади. Ана энди тахминан 60—70 даража иссиқликдаги сув такрор-такрор сепилиб, «кигиз босиш» ишига киришилади. 3 соатга яқин вақт давомида 5—6 нафар киши «билаклаб» кигиз босади. Кигизнинг сифати биринчи навбатда унинг қаттиқлигига қараб баҳоланади. Кигизнинг қаттиқ бўлиши эса, сепиб турилган сувнинг иссиқлигию билакнинг кучлилигига боғлиқ.

... Қўнғирот кигизларида элнинг миллий руҳи акс этиб туради. Улар ўта бежирим ва ораста. Рўзғорда бу турдаги кигизларидан 40—50 йил давомида фойдаланиш мумкин.

— Шу ўқув йилида 30 донадан ошиқ кигиз сотдик, — дейди мактаб директори, — Ҳозирнинг ўзида ҳам кўплаб корхоналар буюртма бериб туришибди. Кигизларимизнинг нархи ҳам унчалик қиммат эмас, минг сўм атрофида. Кигиз учун керакли юнгга келсак, бу хомашё бизда етарли...

Мактаб жамоаси «Излаган имконият топади» деган халқ мақоли ҳақ айтилганини яна бир бор исботладилар. Айтиш жоизки, уларнинг ибратли ташаббуси билан аждодларнинг нафис амалий санъатлари намунаси бўлмиш Қўнғирот кигизлари қайта тирилди, мактаб маблағлари кўпая бошлади. Муҳими, ёшлар мактаб партасидаёқ керакли бир касб эгаси бўла бошладилар.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг ўз мухбири.

Tashabbus

ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИДА ТАЙЁРЛАНИШМОҚДА

Соат ҳали саккиз бўлгани йўқ. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими биносига ўғил ва қизлар китоб-дафтарлар билан келмоқдалар...

— Нима бўлди, болалар? — сўрайман мен. — **Ҳозир таътил-ку!..** Улар маъноли жилмайиб бинога кириб кетдилар. Бу орада халқ таълими бўлими мудири Равшан Усмонбеков келди. Унга ҳам ўзимни ажаблантирган саволни бердим.

— Бу ўғил ва қизлар, — дейди у, — **бизнинг 27-ўрта мактабимиз битирувчилари. Улар бизда олий ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик кўришаяпти. Ёшларни имтиҳонларга тайёрлашда туманимиз мактабларининг етакчи ўқитувчилари репетиторлик қилишмоқда. Х. Муҳаммадалиева (ўзбек тили ва адабиёти, 186-мактаб), Л. М. Яковлева (рус тили ва адабиёти, ТХТБ услубчиси), Ф. Зикруллаев (математика, 40-мактаб), М. К. Йўлдошева (тарих, 20-мактаб), М. А. Ачилова (инглиз тили, 20-мактаб) ва бошқалар абитуриентларни педагогика олий ўқув юртларига тайёрлашмоқда.**

— Нега фақат педагогикага?

— Ҳаммаси ўтган йили бошланди. Педагог кадрларнинг етишмаслиги бизни халқ таълимининг келажаги ҳақида жиддий ўйлашга мажбур этди. Шунда биз педагогикага мойиллик битирувчиларни ўзимизда кириш имтиҳонларига тайёрлашга қарор қилдик. 1996 йилда биз 81 абитуриент билан иш олиб бордик ва уларнинг ярмидан кўпи студентликка қабул қилиндилар. Ўтган йилги ташаббусимизни бу йил ҳам давом эттиряпмиз. Абитуриентлар сони кўпайди.

— Айтинг-чи, бундай тайёргарлик сизга қанчага айланмоқда ёки абитуриентлар пул тўлашадими?

— Абитуриентлардан пул олинмайди. Устозларга эса йил бўйи тежалган маблағлар ҳисобидан пул тўлаб берилмоқда.

— Ҳа, сизнинг ишингиз таҳсинга лойиқ экан.

— Охирги савол: июль ойи охирламоқда. Кириш имтиҳонлари яқин, сиз бир-иккита қайсидир олий ўқув юртига ҳужжат топширган абитуриент номини айтолмайсизми?

— Марҳамат. булар: 40-мактабдан Анвар Одилов, 186-мактабдан Наргиза Усмонбекова. Улар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳига, 34-мактабдан Ширин Содиқова ТошДУга ва шунга ўхшаш кўплаб собиқ ўқувчиларимиз ўқитувчи бўлиш ниятидалар.

Л. БАҲОДИРОВ.

ШОИР ХОТИРАСИ

Қўқон шаҳар маданият ишлари бўлими, марказий кутубхона, адабиёт музейи, 2-маданият уйи ҳамда шаҳар маънавият ва маърифат маркази томонидан шоир Жавдот Абдуллонинг 90 йиллигига бағишланган «Жўшқин юрак соҳиби» мавзусида хотира кечаси ўтказилди. Мавзу бўйича педагогика институти доценти Мамлакат Ҳошимова, адабиёт музейи катта илмий ходими Ўлмасхон Неъматов, шаҳар адабиёт маркази раҳбари Ҳабибулло Саидғаниевлар иштирок этиб, шоирнинг босиб ўтган ўрнакли ҳаёт йўли ҳақида маъруза қилдилар. Тадбирда шаҳарнинг 2-маданият уйи ҳаваскорлари маданий хизматда бўлдилар.

М. КАРИМОВА.

Oliy o'quv yurtlarida

РУҲ ТАКОМИЛИ ЖИСМ КАМОЛОТИДАН

Маълумки, спорт, тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини боғловчи воситадир. Зеро, спорт соҳасида эришилган ҳар бир ғалаба мамлакатнинг жаҳон миқёсида нуфузи ошишига хизмат қилади. Ёшлар ўртасида спортнинг оммалашувига, буюк давлат асоси бўлган соғлом авлодни тарбиялаш ишига кўмаклашади. Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ушбу ижобий қадамларда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг ҳам салмоқли улуши бор. Биз институт ректори, профессор, республика Олимпия академиясининг Президенти Абдуҳамид Ҳамроқулов билан жисмоний таълим-тарбия жараёнидаги ўзгаришлар хусусида суҳбатлашдик.

— Абдуҳамид ака, аввало институт ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсангиз.

— Ўзбекистон жисмоний тарбия институти олий ва ўрта махсус билим юртларига ўқитувчилар етиштирадиган республикамиздаги ягона ўқув юртидир. Бугунги кунда эса йигирма етти мутахассислик бўйича педагог кадрлар тайёрланмоқда. 12 нафар фан доктори, 148 нафар ўқитувчилар ўғил-қизларга сабоқ беришаяпти.

Истиқлол шарофати билан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассислар тайёрлаш жараёнига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Айни пайтда, спорт менежменти ва маркетинги спорт кибернетикаси бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйдик. Спорт мутахассислари ва мураббийлари малакасини янада ошириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Олий таълимни сифат жиҳатидан қайта такомиллаштириш талабларга янги усулда билим беришни тақозо қилади. Институтимизда бу масалага чуқур эътибор билан қаралмоқда.

— Домла ўтган йилларда қанча талаба олий ўқув юртини битирди. Уларнинг иш билан таъминланишига институт аралашадими? Умуман олганда шу масала назорат қилинадими?

— Ўтган йиллар давомида институтимизни 15 мингдан зиёд талаба битириб чиқди. Уларнинг кўпчилиги бугунги кунда олий ва ўрта махсус билим юртларида устозлик қилишмоқда. Энди ўқув юртини битирган талабаларни иш билан таъминлаш масаласига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ёш мутахассисларнинг иш билан таъминланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга янгича муносабатда бўлиш талаб қилинмоқда. Аввалгидек олий ўқув юрти битирувчилари учун юқоридан белгилаб қўйиладиган давлат тақсимоти йўқ. Ҳозирга келиб жисмоний тарбия институтини битириб чиққан ёш мутахассисларга ҳамон талаб катта ва улар иш билан таъминланмоқдалар.

— Маълумки, шу кунларда жумҳуриятимиздаги барча олий ўқув юртлари ҳовлиси талабалик орзусида юрган минглаб ўғил-қизлар билан гавжум. Яқиндагина ўрта мактабни тугатган толиби илмлар ўзлари истаган билим масканларига ҳужжатларини топшириб бўлдилар. Бу йилги қабул ҳақида маълумотлар бersангиз?

— Институтимизда учта тренерлик, педагогика ва малака ошириш факультетлари бўлиб, унда йигирма етти мутахассислик бўйича таълим берилади. Тренерлик факультетида асосан спортчи ёшлар сабоқ олиб, келгусида ўз соҳалари бўйича мураббийлик қилишлари мумкин. Иккинчисида эса олий ва ўрта махсус билим юртларига ўқитувчилар тайёрланади. Уч йилдан буён сиртқи бўлимга ҳам ўқувчи ёшлар қабул қилинмоқда. Дарслар эса асосан ўзбек, рус тилларида олиб борилади.

— Режа бўйича қанча талаба қабул қилиниши керак?

— 225 нафар атрофида. Шунингдек, яна шунча кишилик шартнома асосида ўқитишни режалаштириб қўйибмиз.

— Имтиҳонлар сизларда ҳам тест усулида ўтса керак?

— Биз ҳужжатларни 20 июлгача қабул қилдик. Июль ойининг сўнгги кунларида дастлаб мутахассислик (бокс, кураш, волейбол, югуриш ва бошқа) умумий жасмоний тайёргарлиги ва сузиш бўйича имтиҳон ўтказилади. Шу синовларга баллар қўйиб борилади. Сўнгра, биология, химия, физика, она тили ва адабиёти фанларидан тест синов ҳисса қўшмоқда. Мусобақаларнинг ўтказилиши байрам тусига айланиб бораётганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ана шундай спорт юлдузлари сафига Лиллехаммерда бўлиб ўтган фристайл мусобақалари ғолиби Лина Черязова, сувда сузиш бўйича олимпия чемпиони Эркин Шагаев, профессионал боксчилар ўртасида тўрт карра жаҳон чемпиони Артур Григорян, курашнинг бухороча тури бўйича Президент кубоги совриндори Абдуқодир Пирматов, Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган миллий кураш бўйича учинчи халқаро турнир ғолиби Эрали Мамарасуловларнинг номини келтириб ўтиш мумкин.

— Институтни битириб зиё масканларида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг иш фаолиятидан кўнглингиз тўладими?

— Биласизми, мухбир ука, бизга ўқишга келган йигит ва қизларнинг кўпчилиги жисмоний тарбия ва спорт соҳасига қизиқиши, иқтидори бўлганлиги туфайли институтимизда ўқишни хоҳлашади. Шу сабабли институтимизни битказган мутахассислар иш самараси, агар жойларда тегишли шароит яратилса, жудаям юқори бўлиши мумкин. Лекин афсуски ҳалигача республикамизнинг айрим жойларида жисмоний тарбия ва спортга муносабат кўнгилдагидек эмас. Бу эса эндигина институтни тугатиб борган ёш кадрларга салбий таъсир этмасдан қолмайди. Етарли шароит бўлмаганлиги сабабли ўқитувчининг кўнгли ишдан тезда совийди. Кейинги пайтларда баъзи бир спорт мутахассислари бошқа соҳаларга ўтиб кетишга мажбур бўлишмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳволни яна-да мураккаблаштиради.

Хуллас, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислар иш самарасини ошириш учун бу соҳага эътиборни кучайтириш, рағбатлантиришни йўлга қўйиш зарур.

— Таълим-тарбия жараёнида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам борми?

— Жисмоний тарбия ва спорт бўйича ўқув адабиётлари, дарсликлар ниҳоятда кам эканлиги сезилаётган эди. Бироқ биз бу ҳолга секин-аста барҳам бериб бораяпмиз. Ўтган йили институтимиз ўқитувчиларининг саъй-ҳаракати билан луғат чиқаришга эришдик. Жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон спорт қўмитаси билан ҳамкорликда иккита халқаро анжуман ўтказдик. Ҳозиргача илмий адабиётлар, дарслик ва қўлланмаларнинг анча-мунчасини чоп этишга эришдик. Ўйлаймизки, бу йўналишдаги фаолиятимиз муттасил давом эттирилса, кутилган натижага албатта эришамиз. Олдимизда кўндаланг турган яна бир муаммо ўқув моддий базасининг талабга жавоб бермаслигидир. Ҳозирча аксарият ҳолда сувда сузиш машғулотларини ижарадаги сув ҳавзаларида ўтказишга тўғри келмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, бу фаолиятимизга салбий таъсир қилмасдан қолмайди. Яна бир муаммо устида тўхталмасам бўлмайди. Мамлакатимиздаги ягона ҳисобланган жисмоний тарбия институтида ҳарбий кафедра йўқлигига нима дейсиз?

Менимча, институтни аллақачон университет ёки академияга айлантириш фурсати етди. Ўйлаймизки, келажакда янги бинолар, яхлит иншоотлар қуриб олишимизга имконият албатта юзага келишидан умидвор бўлиб, мавжуд шароитлардан оқилона фойдаланишга асосий эътиборни қаратмоқдамиз.

Суҳбатдош
Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Yulduzlar olamiga yo'l

ОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИНМИ?

Ой ерга энг яқин бўлган осмон жисми; улар орасидаги масофа — 384 минг км. Ойнинг диаметри ~ 3476 км. Ерникидан — 4 марта, массаси эса — 100 марта кичик; Ой сиртида жисмлар Ердагидан 6,25 марта енгил; унинг сиртидан космик кемани селеноцентрик орбитага чиқариш учун — 1,68 км/с тезлик етарли бўлади. Бу орбитадан Ерга қайтиш учун эса 0,696 км/с тезлик етарли.

Ойни текширишдан бир неча мақсадлар бор:

1) Уни ўрганиш Ернинг пайдо бўлиши, тузилишини тушунишимизга ва ердаги қазилма бойликларни излаб топишимизга ёрдам беради.

2) Ойдаги база Ер сирти ва унинг атрофидаги космик фазони узлуксиз кузатиб, текшириб туриш имконини беради.

3) Ойнинг глобал разведкаси ва ундаги қазилма бойликлар картасини тузиш.

4) Ойдаги бор ресурслардан космосдаги ишлаб чиқаришларда фойдаланиш.

Шундай қилиб, Ойдан кенг фойдаланиш — космонавтика тараққиётидаги улкан босқич.

АҚШнинг «Аполлон» программасига асосан 1962-72 йилларда Ойга 9 экспедиция юборилди. Уларнинг 6 таси 12 аэронавтнинг Ой сиртига (ғарбдан Бўронлар Океанидан шарқдаги Тавр тизмаларигача) тушиши ва текшириб, омон-эсон Ерга қайтиши билан якунланди. Биринчи иккита экспедиция Ой атрофи (селеноцентрик) орбитада учиб, кузатиб қайтишга мўлжалланган эди; «Аполлон-13» космик кемаси экипажи эса, стартидан 2 кун кейин содир бўлган кислород солинган бакчанинг портлаши сабабли Ой сиртига туширилмай, Ой атрофи орбитасидан Ерга қайтарилди. 1970 йилнинг 11-17 апрели.

1969 йилнинг 14 ноябрида аэронавтлар Чарльз Конрад, Алан Бин ва Ричард Гордонлар «Аполлон-12» космик кемасида Ой томон йўл олдилар, 18 ноябрь куни Чарльз ва Алан Ой экваторига яқин бўлган Бўронлар Океани районига Ой кабинасида тушдилар. Ричард эса «Аполлон-12» нинг Ой атрофи орбитасидаги асосий блогида навбатчилик қилиб қолди. Конрад ва Бин Ой сиртига икки марта чиқиш қилдилар: алоҳида АЛСЕП (инглизча ALSEP — Apallo Lunar Seientific Experiments Package) контейнерига жойлашган Ойни илмий томондан текширишга мўлжалланган спектрометр, Ой сиртидаги ионлар ва асбоблар комплектини (сейсмометр, магнитометр, қуёш шамолини ўрганиш учун зарядланган заррачалар детекторларини) ўрнатдилар. Бу асбоблар ёрдамида Ойнинг сейсмик активлиги, магнит майдони, Ой сиртидаги газ ва қуёш шамолининг состави ўрганилди; марказий телеметрик блок орқали олинган маълумотлар Ерга узатилиб турилди.

Конрад ва Бин Ой сиртига иккинчи чиқишларида «Аполлон-12»нинг Ой кабинасидан 183 м масофада икки йилу етти ойча қолдириб кетилган «Сервейер-3» сайёраларида автоматик станцияси томон йўл олдилар; станция қизғиш-жигарранг чанг билан қопланган, лекин хали бузилиб кетмаган эди. Астронавтлар Ой сиртидан 33,9 кг намуналар олиб Ой кабинасига қайтдилар.

1971 йилнинг 31 январидан 9 февралигача «Аполлон-14» да Ой томон астронавтлар Алан Шепард, Эдгар Митчела, Стюарт Русадан иборат экспедиция юборилди; Алан ва Эдгар Ой кабинасини Фра Мауро кратери районига қундирдилар, Ой сиртида 9 соатча булишиб, 44,5 кг ой намуналарини олиб қайтишди. Астронавт Стюарт Руса Ой атрофи орбитасидаги асосий блокда навбатчилик қилиб турди. Ой кабинаси қунган жойидан Ердаги телетомошабинлар учун телерепортаж ҳам ташкил қилинди. Астронавтлар Ой сиртига АЛСЕП илмий аппаратларини ва лазер нурларини қайтарувчи ўрнатдилар. Экспедиция юк ташиш учун «Рикша» номли иккигилдиракли аравача МЕТ (инглизча МЕТ — Modularized Equipment Transporter — жиҳозлар учун автоном транспортер)дан фойдаланишди.

Бундан кейинги учишларда Ой экспедицияси учун ўзиюрар аппаратлар — лунаходлар (ойда юрарлар) зарурлиги билиниб қолди; чунки махсус скафандрлар астронавтларнинг ҳаракат эркинлигини жуда бўгиб қўярди... Шу сабабли ҳам «Аполлон-15» космик кемаси Ой сиртига электр юритгичда ишлайдиган митти тўрт гилдиракли автомобил-лунаход (ой юрар) элтди. «Аполлон-15» Ойдаги астронавтлар Девид Скотт ва Жеймс Ирвинлар Апеннин тоғ ён бағирларидаги Гадлей жўяклари районида қўндирдилар. Астронавт Альфред Уорден Ой атрофи орбитасидаги асосий блокда навбатчилик қилди. Бу экспедициянинг фаолияти 1971 йил 26 июлидан то 7 августигача давом этди. Астронавтлар Скотт ва Ирвин ойда юрардан фойдаланиб, тоғ ён бағирларини 18 соату 36 минут текшириб чиқдилар ва 78,6 кг Ой тоғ жинслари ва тупроқларини олиб қайтдилар; улар Гадлей жўяклари номли чуқур тор дарани текшира бошлаганларида алпинистлик жиҳозлари заруратини сездилар. «Аполлон-15» нинг Ой атрофи орбитасида илмий текшириш асбоблари комплекти СИМ (инглизча SIM — Scientific Instrument Module) ёрдамида 8 та илмий тажрибалар ўтказилди. СИМда Ой сирти кўринишларини суратга оладиган, картография қила оладиган камералар блоки ва спектрометрлар бор эди. Космик кема Ойни айланиб утаётганида 2 та спектрометр узунлиги 6 м бўлган телескопик спектрометрларга ўрнатилиб, Ой тупроғининг составини аниқларди...

«Аполлон-15» нинг асосий блогида қолган Уорденга учиш троекторияси бўйлаб Ой сиртининг батафсил картографияси тайинланган эди. Ой атрофи орбитаси СИМ комплектидан ажратилиб кичик ОСЙи (диаметри 0,79 м) чиқарилди; у Ой гравитация майдонининг аномалияларини ўрганишга мўлжалланган эди (яъни Ойости зич жинслар йиғилмаларининг жойларини аниқлаш лозим эди). Бу митти ОСЙининг импульси қабул қилувчиси ва узатувчиси бўлиб, унинг ҳаракат траекториясини Ердан туриб ҳам кузатиб бориш мумкин эди. Астронавт Уордон Ой атрофида очиқ космосга махсус скафандрада чиқиб, бу митти ОСЙига яқинлашиб, унинг камераларидаги пленкаларни ва бошқа илмий аҳамиятга эга материалларни олди ва асосий блокка қайтди.

Астронавтлар Скотт ва Ирвин ойда юрарда 10 км га юриб илмий ускуналар ва учинчи лазер нурини қайтарувчини ўрнатдилар; Ой сиртида ўрнатилган учта лазер нурларини қайтарувчилар Ой билан Ер орасидаги масофани катта аниқликда ўлчаб кузатиб бориш имконини берарди.

Ойнинг «денгизлар»и (базальт ҳавзалари)дан ва тоғ системаларидан намуна жинслар олингач, ясси тоғлик районлари қолган эди. Шунинг учун «Аполлон-16» (1972 йилнинг 16-27 апрели) Декарт кратери районидаги ясси тоғликка қундирилди; бу жой Ой сиртининг материк қисми бўлиб, Ердан кузатилганда бошқа жойларига қараганда анча ёруғ бўлиб кўринади (масалан, «қоронғи» пастликларга нисбатан). Астронавтлар Жон Янг ва Чарльз Дюк ой кабинасидан Ой сиртига 3 марта чиқдилар. Ойда юрар (Лунаход) ёрдамида 27 км юриб, 20 соату 14 минут давомида 95,2 кг намуна жинслар олдилар.

Янг ва Дюк «Аполлон-16» нинг Ой кабинаси қунган жойяқинида ультрабинафша диапазонида ишлайдиган ва астрономик кузатувлар учун керакли камерани ўрнатдилар; Бур ёрдамида Ой қаъридан намуна жинслар олдилар; активва пассив сейсмографлар ўрнатдилар. Афсуски, Ой қаъридан чиқаётган иссиқлик оқимларини ўлчайдиган ускунаси ишдан чиққан эди...

Ой қаъридан чиқаётган иссиқлик оқимларини ўлчашга Ой ортидаги Тавр тизмаси районидаги Литтров кратери водийсида «Аполлон-17» кемасининг астронавтлари Юджин Сернан ва Харрисон Шмитлар муяссар бўлдилар. (1972 йилнинг 7-19 декабри). Улар Ой сиртида 22 соату 5 минут юрдилар, муҳим тажрибалар ўтказдилар; 110 кг Ой жинслари, тупроғи намуналарини Ерга олиб келдилар. Астронавт Рональд Эванс Ой атрофи орбитасидаги асосий блокда навбатчилик қилди.

АЛСЕП асбоблар комплектидан ташқари Ой сиртига иккита гравиметр ҳам ўрнатилди: бири Ой сиртидаги ҳар хил нуқталарда гравитация потенциалининг ўзгаришини ўлчаса, бошқаси Коинотда тарқалаётган гравитация тўлқинларини ҳисобга олишга мўлжалланган...

«Аполлон-17» XX асрда Ой томон юборилган энг охирги экспедиция эди. Ойга борган 6 экспедиция 384,2 кг Ой жинслари ва тупроғи намуналарини текшириш учун Ерга элтдилар. Аполлон программаси бажарилиши давомида қатор муҳим кашфиётлар қилинди; улардан баъзиларигагина тўхталамиз.

Ойда Ердаги каби ҳаёт формаси мавжуд эмаслиги аниқланди. Ой ядро, мантия ва сиртқи қатлам-қобиқдан иборат экан; баъзи мутахассислар фикрича унинг ядроси темир сульфидидан иборат эмиш...

Ойнинг сиртида ва унинг яқинида сув йўқлиги қайд қилинди. Ойнинг ёши ер ёши билан бир хил (4500 миллион йил). Биринчи 1500 миллион йилда Ой эриган ҳолатда бўлган деган фикр мавжуд. Унинг сиртида 3900 миллион йил илгариги астероид ва метеорлар томонидан бўлган интенсив бомбардимон (зарбалар) излари қолган. Унинг сиртида қуёш шамоли таъсиридаги эрозия излари топилди.

Энди Ер жинслари билан Ой жинсларини солиштириб кўрамиз. Ойнинг ўртача зичлиги 3,36 г/см3, Ерники эса 5,5 г/см3. Ой тоғ жинсларида Ерникига қараганда кальций, алюминий ва титан кўплиги аниқланди. Уларда эриш ҳарорати юқори бўлган металлар гафний ва цирконий кўпроқ учрайди. Шу сабабли Ой Ерга нисбатан қараганда Қуёш системасининг анча юқори ҳарорат шароитлари бир жойида пайдо бўлган деган гипотеза ҳам бор. Ой жинсларида сув ва бошқа тез учиб кетувч моддалар йўқлиги шундан бўлса керак, чунки улар у шароитларда фақат газ ҳолатида бўлган...

Ой сейсмик разведкасига кўра Ой қобиғининг қалинлиги 60-150 км (Ерга қараб турган қисмида 60-65 км); қобиқ тагида — 1000 км чуқурликкача мантия жойлашган. Ундан чуқурроқда Ой ядроси жойлашган (суюқ ҳолатда). Ой мантиясининг 200 км қалинликдаги юқори қисми темирга бой силикатлардан иборат; ундан пастида состави тош метеоритларни эслатувчи жинслар жойлашган. Мантиянинг энг пастки қисми эриган ҳолатда деган фикр бор; Ер тортиш кучи таъсирида Ой ичидаги суюқ қисмида кўтарилиш-қайтиш ҳодисалари бўлиб туради, шекилли. Шу сабабли бўлса керак, Ой ичидан буладиган кучсиз турткилар қайд этилган.

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ,

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Самарқанд шаҳридаги вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида ўймакорлик тўгарагига тажрибали уста Санобар Аннаева раҳбарлик қилмоқда. У тўгарак қатнашчиларига ота-боболардан мерос қолган санъатни ихлос билан ўргатаётир. Онанинг шогирдлари томонидан қунт билан ишланган гўзал нақшли қутича, лаган, тақсимча, кўзача, сандиқ ва бошқа нарсалар кишиларда ҳавас уйғотмай қолмайди. Муҳими, ишланмаларнинг энг зўрлари «Самарқанд меъморий ёдгорликлари» совғалар магазинида сотувга қўйилаётир.

СУРАТДА: тўгарак аъзоси, 54-мактабнингт 9-синф ўқувчиси Юлдузхон Нишонова (чапда) ўз иши намуналарини устози Санобар Аннаевага кўрсатяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Bilasizmi?

ХАРИТАШУНОСЛИК ТАРИХИДАН

Энг қадимий харита қачон тузилган? Эратосфеннинг (эр.ав.йиллар) маълумотига қараганда, милоддан илгари 610-546 йилларда яшаб ўтган файласуф Анаксимандр биринчи харитани яратган. Бизгача етиб келган хариталарнинг энг қадимийси иккинчи асрда яшаган юнон олими Птоломейга тегишли. Олим 90 дан ошиқ харита тузган ҳамда географик хариталарнинг математик асос элементларини ёритиб берган.

* * *

Кузингиз тез-тез тушиб турувчи глобусни биринчи бўлиб ватандошимиз ясаганини биласизми? Бу буюк олим-картография, геодезия соҳасининг билимдони Абу Райҳон Беруний эди! Улуғ мутафаккир ер меридиани айланасининг узунлигини ҳисоблаб чиқди ҳамда «Ат-тафқим» китобига ўзига хос доиравий дунё харитасини илова қилди.

* * *

XIII аср охири XIV аср бошларида савдо-сотиқ, кемачиликнинг ривожланиши, очиқ денгизда бехатар сузиш эҳтиёжи махсус денгиз хариталарининг яратилишига туртки бўлди. Ошланган терига чизиқли масштаб асосида туширилган қирғоқ чизиқлари, порт шаҳарлар ва улар орасидаги масофа аниқ кўрсатилган. XV—XVI асрлардаги буюк географик кашфиётлар туфайли хариталар юзи янги қитъа ороллару денгизлар номлари билан бойиди.

* * *

Хариталарнинг махсус корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши эса XVI асрдан бошланди. Бундай хусусий корхоналар дастлаб Италиянинг Венеция ва Флоренция шаҳарларида вужудга келди. Натижада хариталарни тузиш муддати қисқариб, сифати ва аниқлик даражаси ошди.

Акбар АЛИЕВ.
тайёрлади.

Xullas...

АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ ТАТИМАЙДИ

Перм шаҳрида яшовчи Галина Галькина исмли аёл ўзини телефон тармоқлари хизматчиси, деб таништирган кишининг атрофида гирдикапалак бўлиб қолди. Чунки у киши атиги беш миллион рус рубли ҳисобига телефон ўрнатиб бериши мумкинлигини айттанди. Улар келишдилар. Уста шу ондаёқ ишга киришди. Бор-йўғи ярим соат ичида Галинанинг йўлагида телефон, юрагида қувонч пайдо бўлди. Ҳатто, уста унинг кўз ўнгида аллақаёққадир сим қоқиб кўрсатди. Галина уста кетгач, кун бўйи уйидан жилмади, уч-тўрт дугонаси билан телефонда сузлашди, аммо... ҳайит узоққа чўзилмади. Кечкурун қушниси унинг ёқасидан олди, муттаҳамдан олиб муттаҳамга солди. Галина аввалига ҳангу манг қотди, сўнг аччиқ ҳақиқатни англаб етди; Галинага шундоққина ён қушнисининг телефонини параллел қилиб улаб берган экан, холос...

ҚУТИЛДИЮ ТУТИЛДИ

Испаниялик гиёҳвандфуруш Альберто Квиро айни савдони қизитган пайти полициячилар келиб қолди. Альберто жуфтакни ростлади, машинасини ташлаб, девор оша қочди ва қандайдир қурилиш майдонига келиб қолди. Қутулганига шукр қилиб бир бурчакда ўтириш ўрнига, Альберто аллақандай қоп-қоронғу йўлакда тимирскиланиб кета бошлади. Афтидан, бу зим-зиё жойда бирор нарса яшириб қўйилган деган ўйга борганди у. Бироқ, кўп ўтмай, қурилишда ишлатиладиган махсус мумсимон модда тўкиб қўйилган ҳовузга тушиб кетди. Альберто чўка бошлади. Жон ҳолатда изқувар полициячиларни ёрдамга чақирди. Ниҳоят, Альберто даҳшатдан қутулди, лекин полицияга тутилди...

КЎЗЛАРИ ҚИЙИШМАДИ

Литва ички ишлар вазирлигида қаллоблардан тортиб олинган, махсус экспертиза текширувига юборилган қалбаки долларлардан 20 минги изсиз йўқолди. Ҳойнаҳой, қилни қирқ ёрадиган экспертиза ходимлари ғоят мукаммал тайёрланган қалбаки долларларни қонун бўйича ёқиб юборишга кўзлари қиймаган ва секингина «билмай» чўнтакка солиб қўйишган бўлишса ажабмас. Чунки бундай ҳол Литва ички ишлар вазирлигида аввал ҳам бир неча бор юз берганди.

Sport maydonchasi

«МОНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» ЧЕМПИОН

Футбол бўйига Англия чемпионати ўз ниҳоясига етди. Премьер-лигада пешқадамлик қилган «Мончестер юнайтед» муддатидан анча олдин олтин медални қўлга киритди. Кумуш ва бронза медаллар эса «Ньюкасл» ва «Арсенал» командаларига насиб этди.

ФРАНЦИЯГА ЙЎЛ

Машаққатли йўл. Буни жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг дастлабки босқичида муваффақият қозонган жамоалар ўртасида ташланган қуръа яна бир бор исботлади. Жамоалар 2 гуруҳга бўлинишди. 2-гуруҳда Ўзбекистон, Корея, Япония, Қозоғистон ва БАА командалари бор. Ўзбекистон илк ўйинни Японияда ўтказади.

ҒОЛИБГА «PANASONIK»

Тошкентда эркин кураш бўйича шаҳар биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувда 100 нафардан ортиқ спортчи ўзаро беллашишди. Ғолиб курашчиларга А.Садриев раҳбарлигидаги «Инжу» хусусий фирмаси 80 минг сўм пул ажратди. Биринчи ўринни эгаллаган спортчига «Панасоник» магнитофони ҳамда махсус совғалар топширилди.

ЭНГ ЧИРОЙЛИ ЎЙИН

Биринчи давранинг сўнгги турида «Нефтчи» ўз майдонида «Навбаҳор»ни қабул қилиб 0:0 ҳисобида дуранг ўйнади. Бу дурангнинг «Дўстлик»ка маълум даражада фойдаси тегди. 17-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «Андижон»—»Янгиер» — 6:3, «Афросиёб»,—»Чилонзор» — 1:0, «Трактор»—»Зарафшон» — 2:0, «Хоразм»—»Атласчи» — 3:1, «Косонсой»—»Сурхон» — 1:0, «Бухоро»—»Насаф» — 2:0.

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ТЎРТИНЧИ

Санкт-Петербургда спортнинг таэквондо тури бўйича бўлиб ўтган норасмий жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Унда ўзбекистонлик таэквондочилар муваффақиятли иштирок этиб, иккита олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритишди. Шундай қилиб вакилларимиз терма жамоаси, умумий ҳисобда КХДР, Польша ва россиялик спортчилардан сўнг тўртинчи ўрин билан кифояланишди.

Yoz — o'tmoqda soz

ТИЛ ВА ДИЛ УЙҒУНЛАШДИ

Мен бугун бу юртнинг танҳолигини даъво қилаётганим йўқ. ...Уларнинг ўзлари шу фикрдалар. Укпар булутларга бош қўйган чўққилар салобатига, жилғаларда шилдираб наволаётган зилол сувларга маҳлиё-маҳлиё боқаётган нигоҳлардаги ҳовуч-ҳовуч ҳайратлар шу фикрдалар. Бағри осмон янглиг бу юртнинг, қалби ўша осмондек беғубор одамларига қадалиб-қадалиб кўз тикаётганлар шу фикрдалар. Улар... америкаликлар.

Бугун мамлакатимиз жаҳон саҳнасига чиқди. Мана бир мисол. Куни кеча гўзал Шоҳимардоннинг «Тоғлик» болалар оромгоҳи «Инглиз тили оромгоҳи»га айлантирилди. Даставвал айтиш керакки, мазкур болалар оромгоҳига Америка Тинчлик корпусининг қирққа яқин қунгилли ўқитувчилари келишди. Ушбу тадбирда Фарғона вилояти ҳокими муовини котибият раҳбари Мурод Муминов, республика халқ таълими вазири ўринбосари Йўлдош Саиджонов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги Турсунали Қурбонов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерация кенгаши раиси Ҳулкар Жамолов, Фарғона тумани ҳокими ўринбосари Шуҳрат Аҳмедов, Тинчлик корпуси инглиз тили таълими дастури бошлиги Зулайҳо Коржакова, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиги Эркин Абдуллаев, вилоят малака ошириш институти методисти ва шу оромгоҳ раҳбари Ҳаётхон Тўхтарова ва бошқалар иштирок этишди.

Анжуман аввалида икки давлат гимни янгради ва миллий байроғи ҳилпиради. Сўнгра эса йиғилган мутасадди раҳбарлар сўзга чиқдилар. Жумладан, республика халқ таълими вазири ўринбосари Й. Саиджонов, йиғилишда сўзлар экан, гап орасида тубандаги жумлаларни ҳам айтиб ўтди.

— Бундай тадбирлар келажакнинг буюклигини таъминлайди. Бу ерда фақат тил ўрганиш эмас, балки икки халқ бир-бирининг дилини ҳам таржимонсиз тушунадиган буладилар.

Дарҳақиқат, худди шундай. Энди америкалик ўқитувчилар оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган 300 га яқин ўзбек болаларига, шу билан бирга жойлардан борган инглиз тили ўқитувчиларига 12 кун давомида ҳар хил соҳада инглиз тилида илм ўргатадилар, ўрганадилар ҳам.

Алишер НАЗАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

San'at

САҲНАДА ЯШАГАН ИНСОН

«Ҳаёт — саҳна, одамлар унда роль ўйнаётган каби яшайдилар», — деган эди буюклардан бири. Агар инсонга берилган бу синов муддати саҳнага менгзалса, қисқа умри мобайнида ҳаёт саҳнасидан ортиб театр саҳнасига кўтарила олган кишилар санъатига таҳсин айтсак арзийди. Зеро, дунёни улкан ижодхона каби қабул қилиш, ғўзаллик ва санъат учқуни кўринган ҳар бир нарсага меҳр кўзи билан қараш учун унча-мунча одамга насиб бўлмайдиган бағри кенглик керак...

Бугун биз санъаткорлар ва санъатсеварлар қунгил дафтарининг илк саҳифаларига номи учмас ҳарфлар билан битилган бир инсонни ёдга олмоқчимиз. У киши марҳум Етим (Фозил) Бобожонов... Режиссёр ва актёр сифатида ҳаммамизга яхши таниш булган бу инсон 1904 йили Тошкентнинг Оҳангузар маҳалласида туғилганди. 1924 йили Москвадаги Узбек драматургиясига ўқишга кириб, уни 1927 йилда муваффақиятли тугаллади. Етим Бобожонов Симонов, Басов, Толчанов каби устозларидан саҳна сирларини ўрганган эди. Актёрнинг маҳорати унинг илк эпизодик ролларидаёқ ўз даражасини кўрсатди.

Етим Бобожоновнинг қаҳрамон қиёфасигагина эмас, руҳига ҳам туша олиши томошабинлар назарига тушишининг асл сабабидир. Озар адиби У. Ҳожибековнинг «Аршин мол олон»даги Амма образи актёр ижодининг биринчи муваффақиятли маҳсули эди.

Ҳар бир санъаткор ижодида унинг машҳурлигига сабаб бўлган бир образ бўладики, у эл кузи олдида ўша образ қиёфасида қолади. Аброр Ҳидоятовнинг «Отелло»си, Наби Раҳимовнинг «Яго»си каби. Етим Бобожонов ижодида алоҳида ўринга эга булган образ «Кал» образидир («Ёрқиной» драмасида). Севимли санъаткоримиз Сора Эшонтураеванинг сўзлари бу образнинг қанчалик маҳорат билан ижро этилганини билдиради: «Етим ака бу ролда шундай ўйнаган эдики, саҳнадаги бошқа актёрлар ишларини тўхтатиб, «кал»га қарашарди. У барваста, гавдали одам бўлса-да, кал образида шундай пирпирак булиб айландики, ҳамма ҳайрон қолди. Куча-кўйда Етим Бобожоновни «кал» деб атайдиган бўлишди». Ёш ва истеъдодли актёрни ўз труппасида кўришни орзу қиладиган режиссёрлар кўп эди. У қисқа муддат ичида ўз санъати билан санъат аҳли қалбини ишгол этишга эришганди. Етим Бобожонов фақат роль ижро этиш билан кифояланиб қолмади, бир қанча драмаларни саҳналаштирди. Унинг режиссёрлик фаолияти Бухоро театрида З. Фатҳуллиннинг «Сотқинлар» ва «Ниқоб йиртилди» пьесаларини саҳнага олиб чиқиш билан бошланди. Етим Бобожонов актёрларга: «Сен мени алдама, роль ўйнама, балки саҳнада яшагин», деб уқтирарди. У образлардаги сохталикни санъатга хиёнат деб билар, шу сабаб яратган барча саҳна асарларида ҳаёт ва асар воқеаларнинг уйғунлиги кўзга яққол ташланарди. 1934 йилда «Ҳамза» театрида саҳна юзини кўрган Комил Яшиннинг «Тормор» драмаси ўзбек театр санъатида катта воқеа бўлди. Минглаб томошабинлар қалбига йўл топа олган бу санъат асари Етим Бобожонов ижодининг янги қиррасини очган эди.

У яратган образлар кинотасмаларда қолди, суратларга муҳрланди. Узидан ўнлаб шогирдлар қолдирган бу актёр ўзбек театр санъатининг пойдеворини тиклади. Унинг издошлари Сора Эшонтураева, Шукур Бурхонов, Олим Ҳўжаев, Фароғат Раҳматова, Наби Раҳимовлар бетакрор образлар яратишди.

Етим Бобожоновнинг театр саҳнасига олиб чиққан «Макр ва муҳаббат» (1936), «Бой ила хизматчи» (1939), «Шарқ тонги» (1951), «Генерал Раҳимов» (1950) асарлари ўзбек театр санъати хазинасининг ноёб жавоҳирларидир. «Бой ила хизматчи»даги қаҳрамонларнинг ҳис-туйғулари ва миллийликлари ўзбек театр санъатининг яна бир поғона кўтарилганидан дарак эди. У ҳақиқий ўзбек театри шаклланган 1943-1948 йилларда Янгийўл ва Тошкент театрларига бадиий раҳбарлик қилди. Янгидан-янги образлар яралди, бир қанча асарлар саҳна юзини кўрди. Серқирра ижодкорнинг ўзи эса қатор медаллар соҳиби бўлди.

Етим Бобожонов умрининг саҳнада кечган 30 йили унинг номини одамлар хотирасига мангуга муҳрлади. Зотан, орамиздан кетганига 40 йилдан ошган бу ажойиб инсон ўз таъбирича «саҳнада яшай олган» актёрлардан эди.

Г. МЎМИНОВА.
А. НАЗАРОВ.

ana shunaqa gaplar

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 1-ўрта мактаб томонидан 1987 йилда Ботир Аҳмедович Шаймардонов номига берилган Д-402428 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва Чилонзор туман халқ таълими бўлими жамоалари 407-болалар боғчаси мудираси Ш. Алиевага отаси Мухсин АЛИЕВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0451. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6